Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 36 (8026). ● 22 февраль, 1983 йил. ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

Ю. В. АНДРОПОВ К. ШЕЙСОН БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

21 февраль куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ю. В. Андропов расмий визит билан Москвага келган Франция ташқи алоқалар министри К. Шейсонни Кремлда қабул қилди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

Икки томонлама Совет—Франция муносабатларига оид масалалар ва бир қанча актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди. Ҳар иккала томон СССР билан Франция ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши имкониятлар мавжуд эканлигига комил ишонч билдирди. Халқаро масалаларни муҳокама қилиш чоғида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифасига, шу жумладан ўртача олисликка учириладиган ядро қуролларини тенглик асосида қисқартириш юзасидан Совет Иттифоқининг таклифларига алоҳида эътибор берилди.

Ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги анъанавий яхши муносабатлар руҳида СССР билан Франция ўртасида сиёсий алоқалар ва мулоқотни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

К. Шейсон Франция президенти Ф. Миттераннинг шахсий мактубини Ю. В. Андроповга топширди.

Учрашувда шунингдек: совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССРнинг Франциядаги элчиси Ю. М. Воронцов; Франция томонидан — Франциянинг СССРдаги элчиси К. Арно, Франция Ташқи алоқалар министрлиги сиёсий департаментининг директори Ж. Андреани қатнашдилар.

(ТАСС).

ТЕХНИКАНИ ШАЙЛАБ ҚЎЯЙЛИК

ҚИШ ОХИРЛАБ қолди. Далалар, боғ-роғлар, қирадирларга баҳор сел ёйиш тараддудида. Эл маъмурчилиги, дастурхонимизнинг тўкинлиги, рўзғоримизнинг бутлиги учун курашишни ўзларининг бурчлари, олий мақсадлари деб билган қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳаётида яна ҳам долзарб, яна ҳам масъулиятли кунлар бошланмоқда.

Улар ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳам экинлардан мўл ҳосил олиш, чорва туёғини кўпайтириш учун ўзаро мусобақани авж олдириб юбордилар. Янги тадбирлар, янги режаларни белгилаб КПСС Марказий Комитети май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорларини изчил амалга ошириш, ҳар бир соҳада, ҳар бир тармоқда юксак самарадорликка эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Москваликларнинг «Шараф ва шуҳрат меҳнатга яраша бўлсин!» деган чақиригига янги-янги ташаббуслар, меҳнат жасоратлари билан жавоб бермоқдалар. Моддий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш учун тинмай изланмоқдалар. Энг биринчи навбатда кўклам экиш мавсумини ғуюқлик билан бошлаш учун курашмоқдалар.

Маълумки, кўкламга тайёргарлик ва чигит экишни ўтказиш, экинлар парвариши, ҳосил йиғим-терими ишлари комплексида техникадан тадбиркорлик билан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Зотан, мавжуд техникадан унумли ва самарали фойдаланмай туриб план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам областимиз бир группа хўжалик раҳбарлари, мутахассислари бошлаган ташаббус ва уларнинг газетамизнинг 29 январь сонида босилиб чиққан «Техникани авайлайлик, умрини узайтирайлик» Мурожаатлари ғоят қиммат лидир.

Мурожаатда мавжуд техникадан фойдаланишни яхшилаш, машиналарнинг ишлаш муддатини узайтириш, уларнинг яхши сақланиши учун хўжалик ходимларининг шахсий масъулиятини оширишдек муҳим масала ўртага ташланган эди. Область партия комитети, шунингдек Узбекистон Компартияси Марказий комитети бу Мурожаатни маъқулладилар.

Район партия комитетлари, қишлоқ хўжалик министрликлари ва идоралар, колхоз правлениелари, совхоз дирекциялари, хўжаликларнинг партия ташкилотлари зиммасига мурожаатни колхоз ва совхозларда «Сельхозтехника» корхоналарининг барча коллективларида кенг муҳокама қилиш топширилди. Ҳар бир хўжаликда, «Сельхозтехника» бирлашмаларида машина ва механизмларнинг сақланиши, уларга техника хизмати кўрсатишни, улардан фойдаланишни кескин яхшилашга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, машиналарнинг хизмат муддатини узайтириш, яхши сақланишини таъминлаш учун хўжалик механизаторлари, мутахассислари, раҳбарларнинг масъулиятини кучайтириш ғоят муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.

Шуни зўр мамнуния билан айтиш керакки, областимиз пахтакорлари, сабзавоткорлари, чорвадорлар ва бошқа касб эгалари бу Мурожаатга лаббай деб жавоб бердилар. Бу ҳақда редакциямизга ҳар куни хатлар келиб турибди. Уларнинг айримлари газетада эълон қилинди. Хат авторлари Мурожаатда дилдаги, кенг жамоатчиликни кўпдан буён қаяжонлантириб, ташвишга солиб келаётган масалалар ўртага ташланганлигини яқдиллик билан қайд этмоқдалар. Айни пайтда ўзларининг ҳам техникага муносабат уни қадрлаш, авайлаш масаласига оид қимматли фикр ва мулоҳазаларини баён қилмоқдалар. Илғор механизаторлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар.

— Биз механизаторларга кўп нарса боғлиқ, — дейди Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи, механизатор Ислом Икромов. — Баъзан трактор паркига кирсак, машина ва механизмларнинг қисмлари у ер, бу ерда уюлиб, занг босиб, синиб ётганлигини кўрамиз. Унга лоқайдлик билан қараймиз. Шунга одатланиб қолганмизда. Ахир синчиклаб текшириб кўрсак, бу қисмлар арзимаган деталнинг йўқлиги туфайли чиқитга чиқарилиб, бир чекага суриб қўйилган бўлади. Ваҳоланки, агар астойдил ҳаракат қилинса, бу қисмлардан ҳам фойдаланиш мумкин! Бунинг учун эса ҳафсала керак. Озроқ елиб-югуриш, жон қойитиш зарур. Бизда эса баъзида ана шу фазилат етишмайди!

Айрим мутахассислар, хат авторлари, сабзавотчиликда, боғдорчиликда, механизациядан унумли фойдаланиш учун карталарни йириклаштириш, ихтисослаштириш дадиллик билан жорий этишни таъкидламоқдалар. Улар тракторчининг, механизаторнинг, колхоз инженерининг меҳнатига ҳақ тўлаш пайтида, албатта, мавжуд механизмлардан қандай фойдаланилаётилганлигини ҳисобга олиш зарур, деб жуда тўғри таклифларни ўртага ташламоқдалар. Хўжалик раҳбарларининг, мутахассисларнинг фаолиятига баҳо берилганда ҳам, албатта, трактор парклардаги ҳақиқий аҳвол, механизаторларга яратиб берилган шароит ҳисобга олиниши зарур.

Афсуски, редакцияга келаётган сигналларга қараганда айрим район, колхоз, совхоз раҳбарларининг Мурожаатдан кейин амалга ошираётган ишлари, кўрилаётган тадбирлар яхши сезилмаяпти. Мурожаатда «Сельхозтехника» органлари кўпинча ремонт ишларини мендан кетгунча, колхоз ёки совхозга етгунча қабилида бажарадилар. Шу туфайли ҳам устахонадан келтирилган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари далага чиққач, оз муддат ўтмасдан яна бузилиб қолиш ҳоллари учраб туради. Яна оворагарчилик. Бу ҳақда кўп эътирозлар билдирилган. Лекин қуюқ-қуюқ ваъдалар олинади-ю, натижаси кўнгилдагидек бўлмаяпти», деб жиддий талаблар қўйилган эди.

Бироқ область «Сельхозтехника» ва унинг жойлардаги органлари раҳбарлари бу танқидга лом-лим демаяптилар. Буни қандай тушуниш керак? Ёки «Сельхозтехника» ходимларининг айтадиган гаплари йўқми? Ҳамма ишлар жойидами? Афсуски, бундай деб бўлмайди. Айрим жойларда ремонт сифати талабга жавоб бермайди. Запас қисмларни етказиб бериш соҳасида узилишлар, пала-партишликлар ҳамон рўй бериб турибди. Редакция «Сельхозтехника» раҳбарларидан техникани сақлаш, авайлаш, умрини узайтириш масаласига оид конкрет мулоҳазалари, таклифлари ва жавобларини кутади.

Халқимизда «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деган нақл бор. Ҳадемай кенг ва беғубор далаларда, боғ-роғларда баҳорги ишлар қизиб кетади. Қишлоқ хўжалигимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар асосида муҳим тадбирларни белгилаб чиққанлар. Ҳар бир соҳа бўйича зиммаларига конкрет ва оширилган мажбуриятларни олганлар. Бу план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун эса ҳар бир колхоз ва совхозда трактор парклари қувватидан тўла ва унумли фойдаланиш лозим.

Дала ишларини авж олдириб юбориш олдидан ҳар бир районда, колхоз ва совхозда мавжуд техниканинг кўкламги экишга қай даражада шай қилиб қўйилганлигини яна бир бор синчиклаб текшириш, механизаторларнинг тайёргарлиги, маҳоратини яна бир бор кўрикдан ўтказиш катта фойда келтиради. Ана шу кўрик жараёнида машиналарнинг хизмат муддатини узайтириш, ремонт ишларининг сифатини ошириш, иш нормаларини тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш, запас қисмлар, материаллардан ёқилғи ва мойлаш материалларидан тежаб фойдаланишга оид кўпгина масалаларни ҳал қилиш мумкин.

Техника — деҳқон қаноти, уни авайлайлик, яхши сақлайлик, умрини узайтирайлик.

● Уктам Норқулов Урта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз халқ контроли группасининг актив аъзоларидан биридир. Кўкламги дала ишларида фойдаланиладиган техника воситаларини муддатидан илгари сифатли ремонт қилишда унинг ҳам ҳиссаси каттадир. Суратда: У. Норқулов слесарь-ремонтчи Турсунбой Юнусов созлаган тракторни кўздан кечирмоқда.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

ҲАММА ДАЛАДА

НИШОНБОИ Тўранқулов бошчилик қилаётган бригада даласида бўлган киши қизғин меҳнат устидан чиқади. Коммунистик районидаги «Узбекистон» колхозининг моҳир пахтакори бошқараётган бу коллектив янги ҳосил учун курашни доимо эрта бошлашади. Шунинг учун ҳам бригадада ҳосилдорлик йилдан йилга ортиб бораяпти.

— Деҳқонларимиз учун фасларнинг фарқи йўқ, — дейди бригада етакчиси. — Биз қиш давомида ҳам тинним билмадик. 1982 йилда гектаридан 38 центнердан «оқ олтин» ҳосили олган эдик. Бу йил 42 центнерлик марра учун кураш бошланди.

Бригадада кузги-қишки тадбирлар комплекси тўла бажарилди. Ариқ-зовурлар сифатли тозаланган, экин майдонлари экишга тахт. Барча машина ва механизмлар ремонти тугалланди. Айни кунларда механизаторлардан Файзи Турдиалиев ва Илёс Турдиқуловлар далага маҳаллий ўғит чиқаришяпти.

Коллективнинг Тоғай Қобилов, Барот Саденов, Жиянгул Тиллабоева, Гулзайнаб Тўрабекова, Фотима Одилбекова сингари аъзолари ҳам мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиб, барчага ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

М. ҲАСАНОВА.

ЭКИБ БЎЛДИЛАР

ФЕВРАЛНИНГ сўнгги кунлари илиқ келганлигидан фойдаланган сабзавоткорлар дала ишларини кучайтириб юбордилар. Калинин районидаги «Москва» совхози картошкакорлари эртаги картошка экиш ишларини тугаллашяпти. Бу ишлар хўжаликнинг Баҳодир Набиев ва Дюн ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида, айниқса, яхши йўлга қўйилган. Улар совхозда биринчи бўлиб эртаги картошка экишни тугалладилар.

— Партия ва ҳукуматимиз картошкачиликни ривожлантиришга катта эътибор бериб келмоқда, — дейди Б. Набиев. — Бу қарорларга амалий иш билан жавоб бериб картошка етиштиришни кескин оширишга қаракат қилаётирмиз. Биз бу йил бригадамиз ишчилари билан маслаҳатлашиб ҳар гектар ердан камида 200 центнердан эртаки картошка етиштиришга сўз бердик.

Совхозда бошқа турдаги баҳорги ишлар ҳам жадал суръатларда бошлаб юборилди.

И. ҚОСИМОВ.

КЎРИК НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Район хўжаликларида кўкламги экиш кампаниясида ишлатиладиган техника ремонти асосан тугалланди. Шу кунларда хўжаликларда техника кўриклари ўтказилмоқда. Бу кўрикларда техникаларнинг шайлиги яна бир бор атрофлича кўздан кечирилиб, мутахассислар томонидан қабул қилинаётир.

Яқинда «Авангард» совхозида ана шундай кўрик бўлиб ўтди. Кўрикда мавжуд 31 та чигит экиш сеялкаси, 50 та культиватор, 31 та чопиқ трактори ва улардаги ПГС мосламалари сифатли ремонт қилинганлиги аниқланди.

Техникаларни мавсумга сифатли тайёрлаган 2-бўлим механизаторлари 100 сўм пул мукофоти билан тақдирландилар. Шунингдек, энг яхши механизаторлардан 6 киши 25 сўмдан пул мукофоти билан ҳам рағбатлантирилди.

Ф. ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Бекобод райони.

МЕЛИОРАТОРЛАР ҒАЙРАТИ

УРТА ЧИРЧИҚ. Район мелиораторлари кузги-қишки тадбирларни муваффақиятли якунлаганликлари тўғрисида рапорт беришди. 250 гектар ер капитал планировка қилиниб, 1400 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Суғориш шоҳобчаларини тозалашда 21 та экскаватор ишлади.

Б. АҲМЕДОВ.

● Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз отарларида эрта кўзлатиш бошлаб юборилди. Қўш Ленин ордени ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Айдарбек Қўшкибоев ўз отаридан ҳар юз бош совлиқдан 130 тадан соғлом кўзи ва ҳар бош қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб олиш учун курашмоқда. У кўзилатиш мавсумига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўргани учун бу муҳим тадбир муваффақиятли давом этаяпти.

В. Портнов фотоси.

БИР ЯРИМ БАРАВАР КЎПАЯДИ

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси IX Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган Янгийўл районидаги «Новомихайловка» чўчқачилик совхози коллективи гўшт етиштириши анча кўпайтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни изчил амалга оширмоқдалар. Хўжаликда 1985 йилга бориб чўчқалар сонини 1000 тага кўпайтириш, уларни жадал семиртириш, ҳисобига давлатга 585 тонна гўшт топшириш белгиланди. Бошқача қилиб айтганда хўжаликда гўшт етиштириш 1982 йилда эришилган даражадан бир ярим баравага кўпайтирилади.

Совхоз чорвадорлари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Шу йилнинг ўзида чўчқалар сонини 4800 тага етказиш кўзда тутилмоқда. Она чўчқалардан пландаги 4530 ўрнига 5350 та насл олинади. Бўрдоқига қўйилган чўчқалар жадал семиртирилади. Шу ҳисобга давлатга 460 тонна, 1983 йил планида белгиланган 115 тонна кўп гўшт топширилади.

Ҳозир хўжалик коллективи чўчқалар парваришини пухта ташкил этган. Айниқса, чўчқабоқарлардан Л. Инкина, Р. Газиева, З. Ҳафизов, И. Мичкуркинлар жонбозлик кўрсатаётирлар.

Э. МАДИЕРОВ.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА

21 февраль куни Тошкент шаҳрининг икки минг йиллигига ҳозирлик кўрувчи ва уни ўтказувчи республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Бу юбилей шу йил сентябрь ойида нишонланади.

Мажлисда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаровнинг шаҳар қурилиши бош плани қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги, шаҳар партия комитети иккинчи секретари К. П. Дудиннинг Тошкент юбилейигача фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган объектлар қурилишининг бориши ҳақидаги, Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси В. О. Козимовнинг бўлажак юбилейга шаҳар қандай ҳозирлик кўраётганлиги тўғрисидаги докладлари тингланди.

Узбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева, республика Госкомиздати раиси З. И. Есенбоев, Узбекистон ССР кинематография Давлат комитетининг раиси А. А. Абдуллаев, Узбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари У. И. Усмонов, Узбекистон Театр жамияти президиуми раисининг ўринбосари Р. М. Қориев, Узбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Ф. Қодирова, Узбекистон Рассомлар союзи правлениесининг секретари Н. М. Қўзибоев, Узбекистон Композиторлар союзи правлениесининг секретари М. Тожиев, Тошкентнинг бош архитектори С. Р. Одилов Тошкентнинг 2000 йиллигига ҳозирлик кўриш билан боғлиқ тадбирлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ахборот бердилар.

Тошкент меҳнаткашлари кўп миллатли ягона оила бўлиб, ўз шаҳарлари юбилейини КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларида белгиланган коммунистик бунёдкорлик улуғвор режаларини амалга оширишда янги-янги зафарлар, муваффақиятлар билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Тошкент меҳнатколлективларининг кўпчилиги Тошкент юбилейигача беш йиллик учинчи йили планларини бажаришга сўз берган бўлиб, улар кун сайин ишни яхшилашга интилмоқдалар, ички резерваларни сабот билан қидириб топиб ишга солмоқдалар, партия Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми талаблари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамламоқдалар.

Ҳақли равишда дўстлик ва қардошлик шаҳри деб аталаётган Узбекистоннинг қадимий ва ҳамиша навқирон пойтахти кўз ўнгимизда кўркамлашиб ёшариб кетмоқда. Кўп қаватли гўзал уйлар кўкка бўй чўзиб турибди. Тошкентнинг кенг кўчалари ва майдонлари, унинг боғлари ва хиёбонлари кўзни қувонтирмоқда. Буларнинг ҳаммаси кўпдан-кўп меҳнаткашларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари, улар қилган ишларнинг самарасидир. Тошкент ҳозирги замон шаҳар қурилишининг барча талабларига мос бўлиб тушадиган, истиқболни назарда тутаётган ва ўртага қўйилган мақсадга — республика пойтахтини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби шаҳрига айлантириш мақсадига эришиш учун шарт-шароитларни таъминлайдиган бош план асосида реконструкция қилинмоқда ва қурилмоқда.

Аммо мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, Тошкент юбилейига ҳозирлик кўришда ҳали кўпгина ҳал этилмаган масалалар, проблемалар мавжудки, буларга шошилинч равишда эътиборни жалб қилиш зарур. Белгиланган барча ташкилий ва идеологик тадбирлар сўзсиз бажарилиши керак. Республика пойтахтининг архитектура қиёфасини муттасил яхшилаш, бунда мамлакатимиз барча қардош халқларининг меъморчилик маданиятидаги энг яхши ютуқлардан фойдаланиш лозим. Прогрессив қурилиш ва пардозлаш материалларидан дадилроқ ва кенгроқ фойдаланиш уй-жойларни, маъмурий бинолар ва архитектура ансамбларини барпо этиш сифатини тинимсиз яхшилаш зарур. Шундай қуриш керакки, улар бугунги кунда қуркам ва мустаҳкам бўлибгина қолмай, ўн йиллар ва асрлар оша ҳам худди шундай бўлиб қолаверсин.

Тошкентнинг икки минг йиллигига кўрилаётган бутун тайёргарлик, унинг ташкилий ва бошқа тадбирлари идеология ишлари билан, меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялаш билан ғоят чамбарчас қўшиб олиб борилиши лозим.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Ташкилот комитети ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ВИЗИТ ТУГАДИ

Франция ташқи алоқалар министри К. Шейсон 21 февралда Москвадан жўнаб кетди. У совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан СССРга келган эди.

Аэродромда К. Шейсонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ЮЛИУС ФУЧИК ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

ЖАСОРАТГА ТЎЛА ҲАЁТ

БУТУН умрини халқ учун хизмат қилишга бағишлаган, жасур ва мард, келажакни кўра билган кишилар ўчмас из ва ном қолдирадилар. Чехословак халқининг миллий қаҳрамони, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, ёзувчи, публицист ва журналист, ажойиб нотиқ, Совет Иттифоқининг самимий дўсти, капитализм ва фашизмнинг ашаддий душмани Юлиус Фучик шундай инсонлардан эди.

Юлиус Фучик Прагада ишчи оиласида туғилди. Жуда ёшликданоқ ҳаётнинг ҳамма қийинчиликларини бошдан кечирди. Плзендаги Шкода заводлари ишчиларининг кенг миқёсдаги иш ташлаш ҳаракатларини кўрди, буржуа Чехословакиясидаги ёшлар ҳаракатларида иштирок эта бошлади.

1921 йилда Фучикнинг ҳаётида уч муҳим воқеа рўй берди. Шу йили у эндигина тузилган Чехословакия Коммунистик партиясига аъзо бўлди. Прага университетининг фалсафа факультетига ўқишга кирди. Ўқиш учун маблағ зарур эди. Шунинг учун шу йил у меҳнат фаолиятини бошлаб, статистика бюросида, кейинчалик йўл қурилишида иштирок эта бошлади.

Юлиус Фучикдаги янгиликка интилиш, кўп нарсани билиш ҳислати уни журналистликка етаклади. 1925 йилдан бошлаб у студент ёшлар ва ёш ишчиларга мўлжалланган «Авангард» журнали редакциясида ишлай бошлади. Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органлари «Руде право» газетаси ва «Творба» журналида ҳамкорлик қилди. Фучик коммунист-журналист сифатида доимо жўшқин ҳаёт ичида бўлди: ич ташлаш ҳаракатларини, Чехословакияда пайдо бўла бошлаган фашистик ташкилотларга қарши курашларни ёритди. Унинг буржуа ҳукумати сиёсатини фош этган ростгўй репортажлари ишчилар синфи ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Шунинг учун ҳам Прага ишчилари Фучикни 1930 йили СССРга борадиган Чехословакия ишчи делегацияси составига сайладилар. Фучик Москва, Ленинградда бўлди, Фрунзе шаҳри яқинидаги чехословак муҳожирларининг қишлоқ хўжалик коммунасини бориб кўрди. Ўрта Осиё республикалари бўйлаб саёҳат қилди. Фучик ҳамма ерда оташин нутқлар сўзлади. СССРда сафарда бўлган пайтидаёқ «Руде право» газетаси учун биринчи социализм мамлакати ҳақида очерклар, репортажлар юбора бошлади.

СССРдаги янги ҳаётни, социалистик меҳнатни ўз кўзи билан кўрган Фучик мамлакатимиз шайдоси бўлиб қолди. Фрунзе шаҳар меҳнаткашлари 1930 йили Фучикни Фрунзе шаҳар Совети депутатлигига сайладилар, унга 189-рақамли депутатлик мандати берилди. Бу — ўша пайтда шаҳарнинг фахрий граждани қилиб сайлашнинг формаси эди.

Юлиус Фучик буржуа Чехословакиясига қайтиб боргандан кейин СССР ҳақидаги ҳақиқатларни тарғиб қилувчи пропагандистга айланди. У бир неча ой давомида мамлакат меҳнаткашлари ўртасида Совет Иттифоқи ҳақида 370 та лекция ўқиди, кўплаб очерк ва репортажлар ёзди. Бу ўша пайтда зўр жасорат намунаси эди. Буржуа ҳукумати Юлиус Фучикни мана шу фаолияти учун 1930 йил охирида 4 ой қамаб қўйди. 1931 йил Юлиус Фучикнинг СССР ҳақидаги «Эртанги кунимиз кечаги кунга айланиб қолган мамлакатда» китоби босилиб чиқди. Бу китоб унга катта шуҳрат келтирди.

Германияда ҳокимият тепасига Гитлернинг келиши, Европа мамлакатларида, хусусан Чехословакияда фашизм хавфи кучайиши сабабли Юлиус Фучик фашизмга ва урушга қарши қаратилган публицистик мақолаларини эълон қилди.

Юлиус Фучик СССРда иккинчи марта 1934-35 йилларда «Руде право» газетасининг мухбири сифатида бўлди. Чехословакиянинг буржуа ҳукумати Фучикка СССРга коммунистик газетанинг мухбири сифатида боришга рухсат этмади. Шундан кейин Юлиус Фучик СССРга яширинча ўтишга мажбур бўлди, унинг бу фаолияти ҳам катта жасорат эди.

Империалистик мамлакатларнинг герман фашизми олдидаги таслимчилиги ва 1938 йилги Мюнхен келишуви билан Чехословакия буржуа республикаси ўз мустақиллигини йўқотди, мамлакатда фашизм ҳукумфа мина бошлади. Худди шу пайтда Чехословакия Компартияси ниҳоятда яширин иш олиб боришга мажбур бўлди. Юлиус Фучик Компартия яширин ишлай бошлаган пайтда ҳам ошкора матбуот минбаридан фойдаланиб фашизмга қарши аёвсиз кураш олиб борди. Унинг ўша йилларда фашизмга қарши ёзилган «Ўз халқингизни ҳурматланг», «Миллатни тозалаш ва чех маданияти», «Чапек тирик ва ўлик» каби публицистик мақолалари коммунист-курашчи жасоратининг ёрқин кўринишларидан эди.

Гитлерчилар Чехословакияни оккупация қилгандан кейин 1941 йилда Компартия Марказий Комитети аъзоларининг деярли ҳаммаси қамоққа олинди. Лекин, Компартияни тор-мор этиб бўлмади. Компартиянинг янги Марказий Комитети составига Юлиус Фучик ҳам киритилди. У ниҳоятда яширин ишлаётган «Руде право», «Табор», «Ческе новини», «Чески жена» газета-журналларига раҳбарлик қилди. Уларда публицистнинг жанговар чақириқномадек жаранглаган «Ҳаракат қилмоқ керак!», «Фашист министрига очиқ хат», «Коммунизм байроғи остида» каби машҳур мақолалари босилди.

1942 йил Прага гестапоси Юлиус Фучикни қамоққа олди ва Панкрац қамоқхонасининг сиёсий махбуслар хонасида сақлай бошлади. Гитлерчилар Чехословакия халқининг оташин ватанпарвар фарзанди Юлиус Фучикни инсон ақли бовар қилмайдиган қийноқларга солдилар. Шунга қарамай Фучик қамоқхонада ҳам қаршилик кўрсатиш ҳаракатини тузиб, унга бошчилик қилди. Қамоқхонада у ўзининг машҳур «Дор остидаги сўз» китобини ёзди. У бу китобида инсонларни ҳушёрликка чақирди, фашизмнинг ҳалокати муқаррарлигини дадил кўрсатди, ер юзида коммунизм ғалабасига комил ишонч билдирди.

Фашистлар қийноқлари Юлиус Фучик иродасини бука олмагач, 1943 йил ёзида уни Германияга олиб кетдилар, Берлиндаги Плетцензе қамоқхонасида сақладилар. Фашистлар қаҳрамон-коммунистдан ёвузларча уч олдилар. 1943 йил 8 сентябрда Юлиус Фучик қатл этилди. У ўлими олдидан «Интернационал»ни куйлаган эди.

Юлиус Фучикнинг мардлик ва жасоратдан иборат ҳаёт йўли миллионлар учун намуна бўлиб қолди. Унинг асарлари 70 дан ортиқ тилларда нашр қилинган. 1950 йили Жаҳон Тинчлик тарафдорларининг II конгресси Юлиус Фучикка Халқаро Тинчлик мукофотини беришга қарор қилди. Чехословакия Журналистлар союзи Юлиус Фучик хотираси учун ҳар йили бериладиган махсус мукофот таъсис этган.

Ўзбекистонда Юлиус Фучикнинг хотирасини абадийлаштириш учун совхозлар, мактабларга унинг номи берилган. Тошкентда Юлиус Фучик музейи ташкил этилиши ўзбек халқининг унга бўлган эҳтиромининг ёрқин рамзи бўлди.

К. УМАРОВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Чехословакиянинг миллий қаҳрамони Юлиус Фучик туғилган куннинг 80 йиллигини кенг нишонламоқдалар. Шу кунларда Тошкентдаги Фучик музейи айниқса гавжум.

Суратда: Ю. Фучик музейи залларидан бирида.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

ЭКОНОМИКА ТЕЖАМЛИ БЎЛСИН

ЯНГИЛИК ИЗЛАБ

КОРХОНАНИНГ изланувчан ишчилари доим янгилик ахтарадилар. Улар томонидан киритилаётган таклиф, ихтиролар тез жорий қилинади. Ўтган йили СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси рационализатор ва ихтирочилари 1246 кишини ташкил этди. Улар томонидан 1274 таклиф киритилди. Таклифларнинг мазмуни тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига, металл, электр энергия, ёнилғи-мойлаш ва бошқа маҳсулотларни тежашга, меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган эди. Штатсиз мухбиримиз рационализатор ва ихтирочилар советининг раиси Константин УЗИКАНОВ билан учрашиб унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— Константин Калижарович, юбилей йили корхона ихтирочи ва рационализаторлари учун қандай самаралар берди?

— Йил якунларига кўра корхонамиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан муко ф о т л а н д и ҳамда Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди. Бу юксак ғалабада ҳақли равишда корхонамиз рационализатор ва ихтирочиларининг ҳам муносиб улушлари бор дейиш мумкин. Фикримнинг далили учун қуйидаги мисолларни келтирмоқчиман.

Шу йил якунларига кўра 20-цехнинг техника бўлими бошлиғи Ю. Перевертов, техник назорат бўлими слесари А. Гаффоров ва 25-цех қозонхонаси бошлиғи А. Ивановлар СССР Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг энг яхши рационализаторлари деб топилдилар. Бу албатта новаторларимизнинг меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

Тармоқ корхоналари рационализатор ва ихтирочилари ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра эса совринли учинчи ўринни эгалладик. Республика корхоналари ўртасида иккинчи ўринни, областимиз саноат коллективлари ўртасида эса биринчи ўринни олишга муяссар бўлдик.

Бу муваффақиятлар осонликча қўлга киритилгани йўқ, албатта. Изланувчан ишчиларнинг меҳнатларини рағбатлантириш ҳамда уларнинг ҳар қандай янги таклифларига эътибор бериниши туфайли янгилик изловчилар сафи тобора кенгайиб борди. Натижада тушган таклифларнинг 692 таси ҳамда ихтиролларнинг 53 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди.

— Рационализатор ва ихтирочилар ўртасидаги социалистик мусобақа ҳақида бироз тўхталиб ўтсангиз. Уларнинг шахсий планлари ҳамда ютуқлари ҳақида алоҳида гапириш мумкинми?

— Албатта мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу борада ҳам сезиларли муваффақиятлар қўлга киритилди. Рационализаторларимизнинг барчаси асосий кўрсаткичлар бўйича социалистик мажбуриятларини знёдаси билан адо этдилар. 27-цех слесари А. Отажоновни мисолга олайлик.

У томондан киритилган 11 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу янгиликлардан 8 минг сўм иқтисодий фойда кўрилди. Бош метролог бўлимининг слесари Ш. Каримов ҳам ана шундай изланувчан тракторсозлардан. У олти марта янги таклиф билан чиқди. Бу 3500 сўм соф фойда келтирди. Унинг барча таклифлари техника хавфсизлигини таъминлашга ҳамда тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилгандир.

Техник назорат бўлимининг слесари А. Гаффоров ҳам ўз изланиши туфайли корхона иқтисод фондига 9250 сўм жамғарма киритди.

— Техник ижоднинг энг юқори босқичи сифатида ихтирочилик ишини мисолга келтиришади. Бу борада корхона новаторлари қандай кўрсаткичларга эришдилар.

— Ҳақиқатан ҳам ихтирочилик иши тажриба ва назарий билимларнинг мужассам бўлишини тақазо этади. Бу осон иш эмас, албатта. Ўтган йили заводимиз машинасозлари 12 та ихтирочилик таклифини киритдилар. Ҳозиргача шулардан 3 тасига авторлик гувоҳномаси берилди. Конструкторларимиздан А. Фролов, Я. Сайченко ва А. Супринлар номини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Уларни бугунги кунда изланувчан, янгилик ижодкори сифатида яхши танишади.

Юбилей йилида ишлаб чиқаришда 53 та ихтиро ўз аксини топди. Бу ўринда бироз изоҳ бериб ўтиш керак. Чунки, кўпчилик завод ихтирочилари 12 та таклиф киритган бўлсалар, ишлаб чиқаришда уларнинг 53 таси ўз аксини топган бўлса, деб таажжубланишлари мумкин. Ҳамма гап шундаки, корхонамиз рационализатор ва ихтирочилар совети фақатгина маҳаллий ишчилар томонидан киритилган таклифларнигина эмас, балки Иттифоқимиздаги турли корхоналарда туғилган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишга ҳаракат қилади. Бу эса умумий ишимиз учун жуда фойдалидир. Шулардан энг салмоқлиси сирғалувчан подшипникнинг ишлаб чиқаришда қўлланишидир. Бу янгилик 209 минг сўм соф фойда берди. Бундан ташқари, ҳар йили ҳар бир трактор ремонти учун сарфланадиган иш вақтидан 10 соат тежала бошланди.

— Кейинги йилларда меҳнаткашларнинг коллектив равишдаги техник ижодиёти кенг тарқалмоқда. Ижодий ишнинг ана шу формаси борасида якка тартибда амалга оширилаётган рационализаторлик ва ихтирочилик ижодиётини қиёсий чиқармасмикан?

— Бундай фикр юритишга мутлақо ҳаққимиз йўқ. Якка тартибдаги таклифлар қандай кучга эга эканлигини юқорида келтирилган мисоллардан англаб олиш қийин эмас. Лекин, бу ишни коллектив тарзда давом эттириш бироз афзалликка эга. Шу муносабат билан корхонамизда ҳамда қатор етакчи цех ва бўлимларда комплекс ижодий бригадалар ташкил этилиб, уларга инженер ва ишчилар бириккан. Ана шу тарика юқорида тилга олиб ўтилгандек ишлаб чиқарувчи кучларнинг тажрибаси ҳамда назарий билимларнинг мужассамлашишини таъминлаш мумкин бўлмоқда.

Айниқса, қозонхона бошлиғи А. Иванов бошчилик қилаётган бригада фаолиятини фахр билан тилга оламиз. Бу коллектив энергетика-кучланиш цехи асосида ташкил этилди. Бригадада 8 киши— ишчилар, мастер, механик, инженерлар бор. Ана шундай ижодий хамкорлик ишчилар ҳамда инженерлар ўртасидаги ўзаро мулоқотни мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Бригада томонидан юбилей йилида 12 та янгилик киритилди. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши 74 минг сўм фойда берди.

— Константин Калижарович, суҳбатимиз сўнгида рационализатор ва ихтирочилар Совети аъзоларининг 1983 йилга қабул қилган социалистик мажбуриятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

Беш йиллик учинчи йилида эса пландан ташқари 100 та трактор, 100 от кучига эга бўлган янги МТЗ-100Х маркали машиналарнинг тажрибе намуналарини тайёрлаш, камида 1000 тонна прокат тежаб қолиш, қўшимча юк ортиш учун 80 та вагон бўшатиш, бракдан кўриладиган нобудгарчиликни эса 10,7 процентга камайтириш мажбурияти олинган. Бу бирлашмамизнинг умумий режалари.

Рационализатор ва ихтирочиларимиз олдиларига аниқ бир мақсад, қўйиб изланмоқдалар. Кўпгина етакчи бўлимларда жамоатчи-конструкторлик бюролари ташкил этишни бошлаб юбордик. Бундан кўзланган асосий мақсад оддий ишчилар томонидан тушаётган таклифлар амалиётда қўлланилиши учун авторларга янгиликни маромига етказиш, конструкторлик тузатишларни киритишга ёрдам беришдир. Ана шундай қилинган тақдирдагина янгиликлардан келаётган самара янада ортади. Ижодкор ишчилар доираси кенгайиб ҳар қандай мажбуриятлар ҳам оддий нормага айланади.

Суҳбатни Ю. НОРОВ олиб борди.

Суратда: заводнинг энг яхши рационализаторлари А. Абатуров (чапда) ва Ю. Перевертов янги таклиф хусусида суҳбатлашишяпти.

Ю. Игумнов фотоси.

Бир корхона хабарлари

ИЮНЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

Оҳангарондаги «Аҳангаранщемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси шифер цехининг Зокир Қораев бошлиқ бригадаси ишчилари бош йиллик планни тўрт йилда бажариш ташаббуси билан чиқишди. Ишчилар ваъдаларини бажариш учун зўр гайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Бригада айни кунларда смена топшириғини 125 процентдан адо этяпти. Ташаббускорлар шу кунларда 1983 йилнинг июнь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Бу бригада билан мусобақадош Бахтиёр Тўрақулов бошлиқ коллектив ҳам баракали ишламоқда. Абдукомил Ҳолжўманов, Светлана Антонова, Валентина Харова сингари ишчиларнинг шижоати, айниқса, баланд. Уларнинг фидокорлиги туфайли январь ойининг икки ўн кунлигида эландан ташқари, 36,6 минг дона шартли шифер тайёрланди.

САККИЗ МАРТА МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Людмила Боярских бошлиқ смена ишчилари минерал-момиқ маҳсулотлари заводи сменалари ўртасидаги социалистик мусобақада кўпинча ғолиблик қилишмоқда. Биргина ўтган йили саккиз ой якуни бўйича биринчи ўринни эгалладилар.

Смена аъзолари йиллик планни муддатидан йигирма кун олдин бажариб, планга қўшимча 2 минг кубометр маҳсулот тайёрлашди.

Илғорлар январь ойида ҳам топшириқни анча знёдаси билан уддаладилар. Улар эндиликда март ойи ҳисобига ишлашяпти. КПСС аъзоси Леонид Шумихин, Ҳалима Умарова, Ҳариса Темирбоевалар мусобака иштирокчиларининг олдинги сафида боришмоқда.

Қ. АДИНАЕВ.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДАЛАР?

ҚУЛАЙЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Янги иш режимига ўтиш соҳасида қандай тадбирлар белгиланмоқда ва амалга оширилмоқда? Редакциямизга келаётган айрим хат авторлари бизга ана шундай саволлар билан мурожаат қилмоқдалар. Қуйида область матлубот союзи, маиший хизмат, давлат меҳнат омонат кассалари ва савдо бошқармалари раҳбарларининг хат муаллифларига жавобларини эълон қиламиз.

С. ФАЙЗИЕВ,
область матлубот союзи правленнесининг раиси

— ҲАҚИҚАТАН илгари графикка асосан кўпгина савдо корхоналарининг хизмат кўрсатиш соатлари меҳнаткашларнинг иш вақтларига тўғри келмай, бир мунча ноқулайликлар туғдирар эди. Шунинг учун жойлардаги саноат корхоналари, колхоз-совхозлар раҳбарлари билан бамаслаҳат иш тутиб, магазин, ошхона ва нон заводларининг режимини ўрганиб чиқдик. Харидорларнинг талаб, истак ва мулоҳазаларини умумлаштирдик.

Ҳозир биз қишлоқ жойлардаги магазинларнинг ҳаммасини янгича тартибда ишлашга ўтказдик. Жумладан 1734 та магазин таваффус вақтларини узайтириш ҳисобига эрталаб соат 7 дан кеч соат 23 гача очиқ бўлади. 993 савдо шоҳобчаси соат 8 дан, 331 таси эса соат 9 дан бошлаб харидорларга хизмат қила бошлайди. 514 та магазин бир ярим, 120 таси эса икки сменалик хизмат кўрсатишга ўтди.

Район марказлари, йирик аҳоли пунктлари ва колхозсовхозларнинг марказий бўлимларида навбатчи озиқ-овқат магазинларини ташкил этдик. Икки ва ундан ортиқ сотувчиси бўлган кўплаб савдо муассасалари дам олиш кунлари ҳам очиқ бўлади.

Р. РАҲИМОВА,
область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

— ДАСТЛАБКИ тажрибани ўтган йили Янгийўл шаҳридаги маиший хизмат шаҳобчаларидан бирида синовдан ўтказган эдик. Мазкур объект эрталаб соат 7 дан 11 гача ва кеч соат 17 дан 21 гача ишлаганида аҳоли учун қулай бўлди, буюртмачилар сони кескин кўпайди.

Шундан кейин аҳолига хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ташкилотлар иш режимини қайтадан кўриб чиқиш тўғрисидаги кўрсатмани дарҳол амалга оширишга киришдик. Дастлаб 7 та корхона, 124 та сартарошхона, 112 та комплекс қабул пункти юқоридаги график бўйича хизмат кўрсата бошлади. 17 та корхона ва 18 та фотосалон эса бир ярим сменада ишлайдиган бўлди. Айни кунларда бошқармамизга қарашли ҳамма корхона, муассасаса ва шаҳобчалар шанба-якшанба кунлари ҳам меҳнаткашларга хизмат қилмоқда.

В. ЖУК,
область меҳнат омонат кассалари бошқармаси бошлиғи

— БИЗГА «омонат ва кирим кассаларининг барвақт ёпилиб қолишига қачон чек қўйилади?» деб тез-тез мурожаат қилишади. Ҳақли эътироз. Янги иш режимига ўтиш давомида ана шу масалани ҳал этишга алоҳида аҳамият бердик. Даставвал соҳамизда ишлаб, пенсияга чиқиб кетган кишиларга мурожаат қилдик. Уларга маош ва пенсия тўлашда қатор имтиёзлар берилишини тушунтирдик. Натижада кўплаб малакали ходимлар эски иш жойларига қайтдилар.

Сўнгра икки нафар ходими бўлган омонат кассаларини йириклаштириш йўлини танладик. Фақат сўнгги вақтнинг ўзида Ангрен, Олмалиқ, шаҳарлари ва Тошкент районида 7 та омонат кассаси ходимларининг сони кўпайтирилди. Ҳозир омонат кассаларидан 190 таси шанба, 30 таси эса якшанба кунлари ҳам ишлаб турибди.

О. УМАРОВА,
область савдо бошқармаси бошлиғи

— ҲОЗИРГАЧА давлат савдоси корхоналаридан 286 тасида иш режими ўзгартирилди. Бу эса улар умумий сонининг 40 процентини ташкил қилади.

Ҳозир 393 та озиқ-овқат ва бошқа турдаги товарлар билан савдо қилувчи магазинлар дам олиш кунларисиз ишлаяпти. Кейинги ярим ой ичида уларнинг сони 31 тага кўпайди. 6 та саноат моллари магазини бир ярим сменада хизмат кўрсатишга ўтди. Кундалик эҳтиёж моллариига бўлган талабни ҳисобга олиб навбатчи савдо точкалари сонини 17 тадан 44 тага кўпайтирдик.

Бевосита йирик саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида савдо ташкил қилиш тажрибаси кенг қўлланилаяпти. Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен шаҳарларида эса ярим фабрикат ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун буюртмалар қабул қилинадиган бўлди.

РЕДАКЦИЯДАН: аҳолига қулай вақтда хизмат кўрсатиш учун янги иш режимига ўтиш анчагина вақт, кучгайрат, ташкилотчилик ва ташаббускорлик талаб қиладиган жараён. Бу соҳада ҳали бирмунча муаммо ва камчиликлар мавжуд. Жумладан, янгича графикда ишлашнинг ҳеч ким ўтмаслиги, маиший хизмат, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари йўқ эмас. Янгича илғор усулларнинг жорий қилинишига тўсиқ бўлаётган муаммолар хусусида тегишли мутасадди ташкилот ва идораларга юборилган сигналлар шу жиҳатдан ниҳоятда қимматлидир. Редакция ҳам ўз газетхонларидан ана шу муҳим мавзуда хат хабарлар кутади.

АТЕИСТИК ПРОПАГАНДА САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

ЗАНГИОТА — ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

ЗАНГИОТА тарихий комплекси XIV—XV асрларга оид архитектура ёдгорликлари билан машҳурдир. Бу ерда область илмий атеизм уйи ташкил этилгандан сўнг эса у тарғибот марказига айланиб қолди. Биз «Билим» жамияти область ташкилоти илмий-атеизм ва янги урф-одатларни турмушга тадбиқ қилиш илмий-методик совети билан ҳамкорликда кенг меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ўртасида атеистик пропагандани кучайтириш чораларини кўраётирмиз.

Бу ерда икки йиллик атеист лекторлар халқ университети мунтазам ишлаб турибди. Зангиотада илмий-атеистик мавзуларда конференциялар, семинарлар, савол-жавоб кечалари мунтазам ўтказилади. Атеистлар куни, ҳафталиги, ўн кунликларини ташкил этиш айниқса яхши самара бермоқда. Бу тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти, КПСС Марказий Комитети ижтимоий фанлар академияси илмий атеизм институтининг Тошкентдаги республикаларо филиали олимлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Илмий-атеистик пропагандани олиб боришда таниқли олимлардан профессорлар А. Абдусамедов, А. Ортиқов, М. Усмонов, фалсафа фанлари кандидатлари М. Бўрихўжаев, А. Масолиев, С. Хусанов, А. Сайдалиев, М. Фаёзовлар фаол иштирок этаётирлар.

Зангиотада атеистик кинолекторий ҳам ташкил этилган. Унда атеистик мавзулардаги кинофильмларни намойиш этиш лекция, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш билан қўшиб олиб борилмоқда.

Ҳозирги пайтда Зангиота тарихий комплекси ҳақиқий зиёратгоҳга айланган. Бу ерга кишилар ўрта аср меъморчилигининг ноёб ёдгорликлари билан танишиш учун келадилар. Фақат ўтган йилнинг ўзида архитектура ёдгорликларини 20 мингдан кўпроқ киши томоша қилди.

Партия ва ҳукуматимизнинг тарихий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва таъмирлаш соҳасида кўрсатаётган гамхўрликлари туфайли Зангиота иккинчи ёшлигини бошидан кечирмоқда. Бу ерда ҳозир кенг кўламда архитектура ёдгорликларини тиклаш ишлари олиб бориляпти. Бухоролик таъмирчилар Х. Эллиев, Б. Хўжаев, Ю. Шариповлар комплексда тиклаш ишларини давом эттирмоқдалар. Калинин районидаги 11-механизациялашган кўчма колонна коллективи архитектура ёдгорликлари атрофини ободонлаштирмоқда.

Зангиота комплекси қайта тиклаиниши билан бу ерда илмий-атеистик ишларни янада кучайтириш имкониятлари ҳам кўпаймоқда. Комплекснинг таъмир қилинган хоналарида турли мавзуларда янги экспозициялар ташкил этдик.

Б. ТОЖИБОЕВ,
Тошкент область илмий-атеизм уйининг раҳбари.

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ ҚОР ЁНАР...

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИНГ

ЕМ-ХАШАК тақчил бўлган тақдирда озуқанинг хуш хўрлиги ва тўйимлилигини ошириш бир хўжаликда мавжуд озуқа турларидан рационал фойдаланишни таъминлайди. Албатта, бунинг учун озуқа цехлари ва дағал хашакни майдалайдиган агрегатларни тўла қувват билан ишлатиш лозим бўлади. Айниқса, таркибида хазм бўлиши қийин бўлган дағал озуқалар ва илдизпоя экинларининг чиқиндиларини қорамолларга беришда уларни қайта ишлаш катта аҳамиятга эга.

Масалан, бир тонна табиий ҳолдаги ғалла сомонида 220—230 озуқа бирлиги бўлса, уни озуқа цехида махсус ишловдан ўтказилгач тўйимлилиги 400—450 озуқа бирлигига тенг бўлади. Бошқача қилиб айтганда шунча миқдордаги озуқа аралашмаси 40—45 килограмм гўшт ёки 260—280 килограмм сут олиш имконини беради.

Бир қатор хўжаликларда шоли похоли, ғўзапоя, ғўзапўчоқ, турли табиий ўт пичанидан ҳам фойдаланилади. Бу озуқа турларини ҳам молларга беришдан олдин майдалаб, озуқа цехларида ишлов берилса ниш хўрдга чиқмайди, тўйимлилиги 1,5—2 баробарга ортади.

Демак, озуқаларни айниқса, дағал хашак, сомон ва похолни озуқа цехларида ва махсус майдаловчи агрегатларда майдалаб сўнг молларга бериш мавжуд озуқадан тежаб, самарали фойдаланиш омилидир. Шу кунларда озуқанинг тўйимлилигини оширадиган тадбирлардан бири **турли рациондан тузилган аралашма озуқадир.** Шуниси диққатга сазоворки, бу аралашма озуқани тайёрлашда кўп меҳнат ва маблағ кетмайди.

Бунинг учун масалан, 200 килограмм беда пичани, 300 килограмм маккажўхори силоси, 200 килограмм ғалла сомони, 150 килограмм табиий ўт пичанини «Вихрь-6» комбайнида ёки «КУФ-1,8» ва «Волгарь-5» каби агрегатларда майдалаб яхшилаб аралаштирилади. Аралашманинг ҳар тоннасига 180—200 килограмм омухта ем ва 10—15 килограмм ош тузи қўшилади. Бундай озуқанинг бир тоннасида 440—480 озуқа бирлиги бўлиб, таркибида моллар учун зарур бўлган оқсил, ёғ, шакарли моддалар, витамин ва минерал тузлар кўп бўлади. Озуқа аралашмаси айниқса, соғин сигирлар маҳсулдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Турли озуқа чиқинди ва нушхурдларига озуқа лавлагиси қўшиб тайёрланган озуқа ҳам қиш даврида жуда кўл келади. Маълумки, дёки С-12 турдаги буғлагич агрегатлари бўлмаган хўжаликларда узунлиги 5 метр, эни 4 метр ва чуқурлиги 1,5—1,6 метр келадиган цементланган ҳовузлардан ёки трактор прицепларидан ҳам фойдаланилса бўлади.

Бир тонна майдаланган дағал хашак ҳисобига 500—600 литр сув ва 20—25 килограмм сўндирилмаган оҳак ёки 40—50 килограмм сўндирилган оҳак солиниб аралаштирилиб оҳакли сув ҳосил қилинади. Сўнгра озуқага солиниб 2—2,5 ярим соат бўгланади. Озуқанинг ҳарорати 50—60 даражагача пасайтирилгач уни молларга бериш вақтида 10—15 процент миқдорида омухта ем, 1—1,5 процент ош тузи аралаштирилиб юборилади.

Дағал озуқага ўювчи натрий ёки оҳак суви билан ишлов бериш ҳам мумкин. Цементланган ҳовузларга 1 тонна сувга 3—4 килограмм ўювчи натрий, 50—60 килограмм сўндирилмаган ёки 150—200 килограмм сўндирилган оҳак солиб эритилади. Сўнгра 250—300 килограмм майдаланган сомон, похол, ғўзапўчоқ ва бошқа чиқиндилар солиниб 10—15 минут намланади. Сўнгра прицелга юкланади ва орадан 2—3 соат ўтгач суви сиқилгач 10—15 процент ем, 10—15 килограмм туз аралаштирилиб молларга берилади. Бу усул жуда оддий кам меҳнат ва маблағ талаб қилади. Озуқа тез ҳазм бўлади. Тўйимлилиги икки барабар ортади.

Қишнинг совуқ кунларида соғин сигирларга ва ёш бузоқларга атала тайёрлаб бериш жуда фойдалидир. Атала тайёрлаш учун 100 литр сувга 10—15 килограмм омухта ем, 1—1,5 килограмм ош тузи, 12—15 килограмм ёрма ҳолига келтирилган ғалла сомони ва бошқа зарур минерал моддалар қўшилиб қайнатилади. Сўнгра 40—45 минут давомида пиширилади. Озуқанинг ҳарорати 30—40 даражага туширилгач илиқ ҳолда молларга берилса, организмига яхши таъсир кўрсатади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, атала тайёрлаш ёки озуқани буғлаш учун сифатли тайёрланган беда ва табиий ўт пичапларидан витаминли ўт талқони каби таркибида каротин моддаси кўп бўлган озуқалардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Чунки, каротин моддаси 50—60 даража иссиқликда парчаланиб кетади ва организмга фойдали бўлган таъсирини йўқотади.

Чорвадорларимиз олдида қишловнинг яна 90—100 кунлик масъулиятли даври турибди. Бундан буён хўжаликларда озуқа запаси камайиб бораверади. Шу сабабли мавжуд озуқа турларини қайта ишлаб унинг хушхўрлигини ва тўйимлилигини ошириб сўнг молларга берилса ҳам озуқа тежалади, ҳам соғин сигирлар ва қорамоллар маҳсулдорлиги юқори бўлади.

Шунингдек, қорамолларни совуқ кунларда иссиқ биноларда сақлаш, истеъмол сувларини илитиб бериш ҳам озуқа запасини тежашда катта аҳамиятга эга. Чунки совуқ биноларда сақланаётган ёки совуқ сув ичган қорамол ўз тана ҳароратини физиологик нормал сақлаб туриш учун еган озуқа ҳисобига кўплаб энергия сарфлайди. Бу эса ўз навбатида озуқанинг кўпгина қисмини бефойда сарфланишига олиб келади.

А. ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

АГИТАВТОБУС ЧОРВАДОРЛАР ҲУЗУРИДА

«Ўзбекхиммаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият уйининг вокал-чолғу ансамбли ва болалар рақс коллективи тайёрлаган янги программа шу корхонанинг ёрдамчи хўжаликка келган агитавтобуси қатнашчилари тайёрлаган программанинг бир қисмидир, ҳолос. «Билим» жамиятининг лекторлари ҳам чорвадорлар билан учрашдилар. Улар тингловчиларга халқаро аҳвол ҳақида, социал страхованиє роли ва аҳамияти тўғрисида, нафақа пенсияларни тайинлаш қоидалари ҳақида гапириб бердилар.

Тошкентдан врачлар ва маиший хизмат ходимлари ҳам шу автобусда келишди. Чорвадорларга малакали медицина маслаҳати беришди, санитария, касалликларнинг олдини олиш тўғрисида суҳбатлар тинглашди.

Ферма ходимларига қизил бурчакни жиҳозлаш учун касаба союз кутубхонаси транзистор приёмниги, рангли телевизор тақдим этилди.

Агитавтобус Тошкент области саноат корхоналарининг барча ёрдамчи хўжаликларида бўлади.

ШИФОХОНАЛАР ДАМ ОЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тошкент ГРЭСининг санаторий-профилакторийси ҳордиқ чиқариш ва даволаниш учун энергетиклар билан бирга оталиқдаги хўжаликларнинг қишлоқ меҳнатчиларини ҳам қабул қилди. Станция касаба союз комитетининг ташаббуси билан пахтакорлар ва чорвадорларни шифохонага таклиф қилишди. Бу ерда Бўзсув каналининг хушманзара соҳилида жойлашган ётоқхоналар корпуси, бир-икки ўринли палаталар, маданий марказ, соғломлаштириш комплекси, катта спорт майдончаси — бутун бир саломатлик шаҳарчаси дам олувчилар хизматида.

ТашГРЭСнинг касаба союз активлари ўз меҳмонлари учун катта маданий программани ишлаб чиқдилар. Дам олувчилар республика пойтахти музейлари, театрларини бориб кўрадилар, унинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар, корхона илғорлари билан учрашадилар.

Касаба союзларининг ташаббуси билан областдаги корхоналарнинг яна еттита энг яхши санаторий-профилакторийси бу йил қишда қишлоқ меҳнатчиларнинг дам олиши ва даволанишини уюштирди. Бу шифохоналарда юзлаб пахтакор ва чорвадор, механизатор ва пиллакор ўз саломатлигини мустаҳкамлаб олади.

Г. КАЗАНЦЕВА,
ЎзТАГ мухбири.

Халқаро ҳаёт

УРУШГА ҚАРШИ КУЧЛАРНИНГ АНЖУМАНИГА ҲОЗИРЛИК

✦ ЖЕНЕВА. (ТАСС). Бу ерда «Тинчлик ва яшаш учун, ядро урушига қарши» мавзуидаги Жаҳон Ассамблеясига тайёргарлик кўрувчи комитетнинг ишчи группаси мажлиси туғади. Мажлисда 32 та халқаро ноҳукумат ташкилотдан ва 29 та мамлакатдаги ҳаракатдан ўздан кўпроқ вакил, шунингдек БМТ намояндалари қатнашдилар.

Икки кун давомида мажлис қатнашчилари урушга қарши кучларни шу йил 21—26 июнда Прагада ўтказиладиган катта халқаро анжуманга — Жаҳон Ассамблеясига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган турли ташкилий ва сиёсий масалаларни кўриб чиқдилар. Қабул этилган мурожаатномада улар тинчлик ва қуролсизланиш учун курашаётган ҳамма ташкилот ва ҳаракатларни — уларнинг сиёсий, идеологик ва диний йўналишларидан қатъий назар,— «инсониятни ядровий фалокат хавфидан ҳалос қилиш, ер юзида тинчликни ҳимоя қилиш ва ҳаётни сақлаб қолиш» учун куч-ғайратларни бирлаштиришга чақирдилар. Ассамблея «яшаш тинчликка солинаётган хавфга алоқадор барча проблемалар ҳусусида ошкора ва самимий мулоқот жойи бўлади», деб уқтирилади ҳужжатда.

Ассамблеяга тайёргарлик кўриш соҳасидаги ишни бундан буён давом эттириш учун бир қанча халқаро ва миллий ташкилотларнинг намояндаларидан иборат мувофиқлаштирувчи группа тузилди. Шу муҳим анжуманни муваффақиятли ўтказишга ҳисса қўшишга интилувчи барча кучлар бу группа ишида қатнашиши мумкин.



● Сурия Араб Республикаси миллий экономикани ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришди. Мамлакатда янги-янги корхоналарни қуришда, халқ хўжалиги турли соҳаларини ривожлантиришда Совет Иттифоқи кўрсатаётган ёрдам катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Суратда: СССРнинг техникаси ва иқтисодий ёрдами билан қурилган Евфрат гидроэнергетика комплекси кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ПРОБЛЕМАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

БЕЛГРАД. (ТАСС). Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг Президиумида республика ва ўлка партия ташкилотлари раҳбар органлари вакилларининг иқтисодий барқарорлик проблемаси қандай бажарилаётганлигига бағишланган кенгаши бўлиб ўтди, деб хабар қилади ТАНЮГ агентлиги.

Кейинги вақтларда экономикани муттасил иқтисодий ривожлантиришга эришиш соҳасида Югославия Коммунистлар союзи сарфлаган куч-ғайратлар муайян натижаларни берди, деб таъкидланди кенгашда. Чунончи, шу йилнинг январь ойида Югославияда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1 процент кўпайди.

Шу билан бирга кенгаш қатнашчилари «умидларга қарамай, мамлакатдаги иқтисодий аҳвол яхшиланмаётганлигини» уқтириб ўтдилар. Саноатнинг айрим тармоқларигина, масалан, кончилик ва энергетика тармоқларигина маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирганликлари факти кишини ташвишга солади, дейилди кенгашда. Бироқ хом ашё ва чала тайёр маҳсулотлар импорт қилиш қисқартирилганлиги сабаб, мана шу хом ашё ва чала тайёр маҳсулотлар етишмаслиги оқибатида қайта ишлаш тармоқларидаги ишлаб чиқариш суръатлари секиндашди. Нарх-наво ошиб бораётганлиги таҳликали муаммодир. Январь ойида чакана нархлар 1,2 процент кўтарилди.

КОММУНИСТИК ҲАФТАНОМАНИНГ ЮБИЛЕИ

✦ КАРАКАС. Венесуэланинг тараққийпарвар жамоатчилиги мамлакат Компартиясининг ҳафталик газетаси «Трибуна популар»га асос солинган куннинг 35 йиллигини тантаналли нишонлади. 1948 йил февралида шу газета чиқа бошлаганлиги Компартия сафларини ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, Венесуэла пролетариатининг революцион ҳаракатини активлаштириш йўлидаги муҳим босқич бўлди.

Ҳафтанома чиқа бошлаган дастлабки кунданоқ меҳнаткаш — халқнинг энг зарур манфаатлари ифодачиси бўлди, мамлакат демократ кучларининг АҚШ империалистлари монополиялари зулмига ва маҳаллий золимларнинг бедодлигига қарши курашида қудратли қуролга айланди.

Шонли сана муносабати билан «Трибуна популар» ҳафтаномасида редакцион мақола эълон қилинди, мақолада ҳафтаноманинг 35 йил мобайнида босиб ўтган йўли таҳлил этилган. Аввало Венесуэла Компартиясининг марксизм-ленинизм таълимотига ва илмий социализм ғояларига, пролетар бирдамлиги ва интернационализм принципларига содиқлиги туфайли унинг аҳоли кенг қатламлари ўртасидаги обрўси доимо ошиб бормоқда, деб уқтирилади мақолада. Венесуэла коммунистларининг матбуот органи бундан буён ҳам ленинча типдаги газета деб ҳақли равишда аталиш учун меҳнаткашлар манфаатларининг муносиб ҳимоячиси бўлиб қолади, деб таъкидланади мақоланинг охирида.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахтида совет фани ва техникаси кунлари ўтказилди. Совет мутахассислари бу кунларда, СССРда фаннинг равнақи, фан ютуқларидан экономика турли соҳаларида қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисида лекциялар ўқидилар. Бу ерда «Фан — СССР халқ хўжалигига» кўргазмаси ҳам очилди.

Суратда: кўргазма ташкил қилиган совет фани ва санъати уйининг умумий кўриниши.

С. Кармалиро фотоси. (ТАСС).

СОҲИБКОР САБЗАВОТ ЭРТА ЕТИЛАДИ

МЕҲНАТ инсонни улуғлайди. «Паркент» совхоз-заводининг узумчилик бригадаси бошлиғи Маъмур Саидкаримов мисолида ҳам кўриш мумкин. Уни хўжаликда соҳибкорлар сардори дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Узоқ йиллардан буён бригадирлик вазифасини ўтаб келаётган Маъмур ака коллектив аъзолари билан бақамжиҳат иш юритмоқда. Бунинг натижасида эса йиллик план ва топшириқларни ортиғи билан бажаришга эришилмоқда.

— Кўп йиллик иш тажрибадан маълум, — дейди М. Саидкаримов,— қишлоқ хўжалиги учун об-ҳавонинг қулай келган даври камдан-кам бўлган. Табиат инжиқликларини мардонавор енгиш, ҳар йили мўл ҳосил етиштириш эса ҳар бир деҳқоннинг шарафли бурчидир.

Ўтган йили ҳар қачонгидан ҳам оғирроқ бўлгани барчага аён. М. Саидкаримов хўжаликнинг Бошқизилсой массивидаги қолоқ бригадасига ўтиб ишлади. Бу ерда ҳам у ўз тажрибаларига суянган ҳолда иш тутди. Натижа чакки бўлмади. Пил охирига келиб эл дастурхонига 350 тонна узум тортиқ қилинди.

Кеч кузнинг ўзиданоқ 1983 йил ҳосили учун ҳам мустаҳкам замин ҳозирлана бошланди. Кузги-қишки тадбирлар ўз вақтида сифатли бажарилди.

Бригада аъзоларининг бу йилги режалари улкан. Улар ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида мавжуд 62 гектар узумзордан 1000 тонна ҳосил олишга аҳд қилишган. Уларнинг бу ватанпарварлик ташаббуслари яқинда район партия комитети томонидан маъқулланди.

Бригадада ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил этилди: 300 бош парранда, 7 қўй боқилиб, йил давомида 1 тоннадан зиёд гўшт тайёрланади.

Т. ДУСМАТОВ,
Паркент райони.

КАЛИНИН районидаги «Партия XXI съезди» совхози меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратишяпти. Айни кунларда хўжаликда кўкламги экиш кампаниясига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари жадаллик билан олиб борилянти.

Хўжаликда ўғит тўплаш учун алоҳида бригада ташкил этилган. Дўстан Рустамов, Тошканбой Эшимовлар етакчилик қилаётган бу бригадалар аъзоларининг ғайрати билан ҳозиргача далаларга 20 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Бу борада айниқса, механизаторлардан Комил Мирҳаитов, Суннат Азимов, Раҳмат Тешабоев, Раҳим Шерқўзиевларнинг бошқаларга намуна бўлаётганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар ўзларининг кунлик нормаларини 1,5—2 баробардан адо этишга эришмоқдалар.

Техника деҳқоннинг қаноти эканини хўжаликда яхши тушунишади. Шунинг учун ҳам совхоз ремонт устахонасида мавжуд машина-механизмларни уюшқоқлик билан, сифатли ремонт қилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Бу ишларни тез ва сифатли бажаришда Аҳмад Муҳамедов, Абдуғаффор Сайфутдинов, Абдуғаффор Абдураҳмонов каби ишчилар ҳамда Худойберди Исмоилов, Султон Рустамов каби механизаторлар алоҳида намуна кўрсатишди.

Совхоз аъзолари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилишяпти. Улар бу йил 10 минг 100 тонна сабзавот, 610 тонна мева, 420 тонна картошка етиштиришга аҳд қилишган.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

● Қўйлиқ теплица комбинати ишчилари шаҳарликларни қиш ойлари давомида мўл ва сифатли сабзавот маҳсулотлари ҳамда резавор кўкатлар билан таъминлаш учун курашиб қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Ҳосил айни пишиб етилган кезларда шаҳарликлар дастурхонига кунига 40 тоннага етказиб маҳсулот жўнатиб турилди. Суратда: (ўнгдан) теплица хўжалиги директори С. Чўтбоев, илғор ишчи Ш. Рихсиева, бош агроном А. Сулаймоновлар помидор ҳосили сифатини кўздан кечирмоқдалар. Ёш ишчилардан И. Ғофурова, М. Содиқова, М. Раимқуловалар кунлик теримда пешқадамлик қилишяпти.

Ж. Тўраев фотоси.

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ

✦ ГААГА. Голландиада янги конституция кучга кирди. У 1887 йилдан бери амал қилиб келаётган конституциянинг ўрнини олди, бу ердагиларнинг уқтиришича, анирроғи уни бирмунча ўзгартирди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мана шу кўкларга кўтариб мақталган ва сал кам 20 йил мобайнида ишлаб чиқилган асосий қонунда мамлакатнинг ўткир социал-иқтисодий муаммоларини ҳақиқатан ҳам ҳал этишга қаратилган қоидалар йўқ. Унда голландияликларнинг ҳуқуқларини «кенгайтириш» тўғрисидаги дудмал иборалар баён этилган, маъмурлар ишчиларни «иш билан таъминлаш», «аҳолининг фаровонлигини ошириш», «унинг уй-жой шароитларини яхшилаш» тўғрисида «гамхўрлик қиладилар», деб айтилган.

Мамлакат территориясида яшаб турган барча гражданларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида, диний, сиёсий, ирқий камситишга йўл қўйилмаслиги ҳақида конституцияга биринчи бор киритилган модданигина маҳаллий обзорчилар ҳақиқатан ҳам прогрессив модда деб атамоқдалар. (ТАСС).

ОЛИМЛАР ОГОҲЛАНТИРАДИ

БОННН, 21 февраль. (ТАСС). ГФРнинг табиатшунос ва медик олимлари ўз ҳамкасбларига мурожаат этиб, «Табиатшунослар янги ядро қуролидан огоҳлантирадилар» шиори остидаги конгрессда қатнашишга чақирдилар. Конгресс ташкилотчиларининг фикрича, унда ўртача олисликка учириладиган Американинг янги ядровий ракеталарини шу йил ГФРда жойлаштириш планлаштириб қўйилганлиги ҳусусида олимларнинг позицияси ишлаб чиқилиши керак.

Даъватномада таъкидланишича, олимлар ядро урушининг хавфини, Европа ва айниқса ГФР мана шундай уруш майдони бўлиб қолиши мумкинлигини тушунтириб беришлари керак. Оммавий қирғин қуролининг ишлатилиши нақадар ҳалокатли ғайроғарчиликларга олиб боришини биз — олимлар яхши биламиз. Ядро уруши «чекланган» уруш бўлиши ҳам, унда «ғолиб» чиқиш ҳам мумкин эмас,— деб уқтирилади ҳужжатда.

Америкининг янги ракеталарини жойлаштириш режалари муносабати билан ГФРнинг ҳаёти таҳлика остига қўйилди, чунки мутахассисларнинг фикрича, бу қурол мудофаа қилиш учун эмас, балки биринчи бўлиб зарба уриш учун мўлжалланган, деб уқтиришади олимлар.

ГФРнинг миллион-миллион гражданлари, дейилади сўнгра ҳужжатда,— НАТОнинг хатарли режаларига қарши порозилик билдирадилар, ҳукуматдан «Першинг-2» ва қанотли ракеталар жойлаштирилишидан воз кечишни талаб қилувчи «Крефельд хитобномаси» остига уч миллиондан кўпроқ киши имзо қўйганлиги шуندан далолат беради. ГФР олимлари шу режаларга ўзларининг салбий муносабатини изҳор этган ҳамкасбларга, санъат арбобларига, педагогларга, касаба союз арбобларига қўшилишлари лозим.

Даъватномага 1000 га яқин олим, шу жумладан ГФРнинг бир қанча йирик илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари қўл қўйдилар.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСТАСИ

Синф доскаси олдида турган қизча бурро тилда «Алифбе» тўғрисида шеър ўқий бошлади.

Қизчанинг, барча ўқувчиларнинг муваффақияти Гулсара опанинг кўзига севинч ёшларини қалқитди. Дарҳақиқат, савод «Алифбе»дан бошланади. Олиму фузало, шоиру рассом, давлат арбоби-ю истеъдодли ижодкорларнинг барчасини қўлига илк бор қалам тутқазган, билимлар олами эшигини очган ҳам мана шу ўқитувчи бўлади.

Бошланғич синфларда дарс беришнинг ўзига яраша гашти бор. Гашти билан бирга машаққати, масъулияти ҳам бўлади. Илм даргоҳига биринчи бор қадам қўйган ўғил-қизларни сеҳргар оламга етаклаб кириш ўқитувчидан чидам ва матонат, ирода ва педагогик маҳорат талаб қилади.

Гулсара опа Козимова ана шу сифатларни ўзида мужассамлаштирган муаллимадир. Опа билан кўп йиллардан бери бирга ишлаганим, у таълим берган ёшларга юқори синфларда дарс бераётганим сабабли ҳам уни ҳақли равишда бошланғич таълим устаси дея оламан. Мана, бир неча йилдирки, Гулсара опа ўз ҳамкасблари Ҳодиа Азизова, Саида Юсупова каби моҳир педагоглар билан ҳамкорликда 9 та бошланғич синф ўқитувчилари метод бирлашмасини бошқариб келишяпти.

У ёш ўқитувчиларга мураббийлик қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, юқори ўзлаштиришга эришиш, «2» баҳосиз ишлаш масалаларини ўз тажрибаси асосида оммалаштирмоқда. Опа икки йилликсиз ишлаш ташаббускорларидан бири сифатида ҳам танилган. У ўтган ўқув йилида ўзи ўқитаётган 2-«А» синфидаги 42 ўқувчидан 12 нафарини фақат «5» баҳога, 16 ўқувчи эса «4», «5» баҳоларга ўзлаштириш билан энг юқори сифат кўрсаткичига эришди. Бу йил эса уларнинг ҳаммаси фақат юқори баҳоларга ўқиш аҳд қилишган.

Хўш, Гулсара опа буларга қандай эришяпти?

Опа ҳар бир боланинг характери, уй шароити билан яқиндан танишади, ота-онаси билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказади, у ёки бу масалаларда яқиндан ёрдам бериб, айрим тажрибали ота-оналардан ўзи ҳам маслаҳатлар олишга тортинмайди. Айниқса, биринчи фарзандларини мактабга олиб келган ёш ота-оналарга педагогик йўл-йўриқлар, лекциялар ўқиб яхши натижаларга эришяпти.

— Гулсара Козимова моҳир педагог бўлибгина қолмай, ҳақиқий инсон, жонкуяр дўст, покиза қалб эгаси ҳамдир, — дейди мактаб илмий бўлим мудири Шоҳида Расулева. — У ёшларга биринчи кундан бошлаб меҳнатга бўлган кўникмаларни ўргатишга интилиши билан ажралиб туради. Бахтнинг олтин калити — меҳнат эканлигини ёшлар онгига сингдиради. Г. Козимова ҳар бир дарсига пухта ҳозирлик кўриб, ўқув техника воситалари, кўргазмали қуроллар асосида олиб боришга ҳаракат қилади. Мазмунли, очиқ дарслар ўтказиб, ўз тажрибасини алмаштиради.

Шундай, бошланғич таълим устаси Г. Козимова Киров районидаги 70-ўрта мактаб педколлективида ўзининг ана шундай ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор қозонган.

С. СУЛТОНОВ.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА

ҚАДИМИЙ МЕЪМОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Ҳозирги Тошкентнинг марказида қад кўтарган янги меъморий ансамбль негизи... ўн бешинчи асрда барпо этилганди. Ўзбекистон маданият ёдгорликларини асраш ва таъмир этиш илмий-тадқиқот ва лойиҳа-қидирув институтининг куни кеча қуриб битказилган биноси бундан бир неча аср аввал вужудга келган Шайхантовур қадимий иншоотлар комплексининг баайни давоми бўлди. Янги ансамблни қурувчилар вақт ўтиши билан нураган бир қанча қадимги биноларни таъмирлаётган ҳамкасб реставраторлар билан ёнма-ён ишладилар.

...Қалдиргочби даҳмасининг пирамидал гумбази чодири тос чўққиси сингари кўтарилган. XI асрнинг биринчи ярмида қурилган бу даҳма ноёбдир. Унинг гумбази ўн икки қиррали курсига қўйилган — Ўзбекистон территориясида ортиқ бунақанги иншоот сақланиб қолмаган. Ёдгорлик Ўрта Осиё шимолий районларига хос услубда қурилган. Тадқиқотчилар ёдгорлик қиёфасида ўзбек, шунингдек қозоқ меъморчилигига хос принциплар пайваста бўлиб кетган деб ҳисобламоқдалар.

Қадимги ёдгорликлар ёнидаги бинога кўчиб ўтган институт олимлари бутун Шайхантовур комплексининг тузилишини ўрганиб чиқдилар. Сақланиб қолган айрим парчаларга қараб яна битта ғалати детални тиклаш мумкин бўлди: бир вақтлар Баракхон мадрасасида Тошкентдаги энг баланд кўк гумбаз қад кўтарган. Кейинчалик у тамомила вайрон бўлган, энди эса уни тиклаш лойиҳаси тайёр қилиб қўйилди. Хуллас шаҳарда яна битта гумбаз пайдо бўладиган кун узоқ эмас.

Қадимги ёдгорликлар замонавий биноларнинг қуршовида яшариб кетди. Улар сайёҳлар зиёратгоҳлари бўлибгина қолмай, одамларга яна «хизмат қиляпти». Масалан, янги институт меъморларининг устахоналари собиқ мадрасаларнинг бирида ишлашди. Бу устахонани Ўзбекистоннинг илмий реставрация штаби деб айтишмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ЁШ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР

● Меҳнат Қизил Байроқ орденли 31-Тошкент шаҳар ҳунар-техника билим юрти ўзининг олти йиллик фаолияти давомида темир йўл учун кўплаб ёш мутахассислар тайёрлаб берди.

Бу ерда талабаларнинг яхши ўқиши ва касб эгаллаши йўлида катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Тўла жиҳозланган лабораториялар, фан кабинетлари, катта фондга эга бўлган кутубхона улар ихтиёрида. Ўқиш давомида билим юрти ўқувчиларининг спорт тайёргарлигига алоҳида аҳамият берилаётир. Ҳар йили 400 дан знёд ҳунарли йигит-қизларни ишлаб чиқаришга йўллаётган бу ўқув даргоҳида билим олаётган ёшлар махсус форма билан ҳам таъминланадилар. Суратларда: (чапдан ўнгга) талабалар практика жараёнида; кутубхона ўқувчилар билан ҳамиша гавжум.

Ф. Қурбонбоев фотолари. (ЎзТАГ).

ЮЗ БИЛАН ЮЗ КЎРИШИБ...

МЕҲНАТКАШ ИНСОН

Ўсарбой Нуралиев ўзининг юз ёшини қуёшнинг илк нурлари билан, одатдаги тонгги ташвишлар билан кутиб олди. Тошкент марказига ошиқаётган трамвайларни синчковлик билан кўздан кечириб, ўзининг мўъжазгина иш жойини тартибга келтирди.

Ҳар қалай бу кун унинг учун тантанали бошланди — трамвай-троллейбус бошқармасида, медицина институти яқинидаги охирги станцияда, оқсоқолни юбилей билан табриклаш учун атайлаб, ҳамма трамвай-троллейбус тўхтаб ўтди. Бу кун қизил бурчакда тантаналар ниҳоясига етди. Юбилярга анъанавий тўн кийдирдилар, фахрий ўриндиққа ўтказдилар. Унга сўз берганларида эса оқсоқол бундай деди: «мен бугун юз ёшга кирганим йўқ, мен революциямиз сингари эндигина олтмиш олти ёшга қадам қўйдим».

...Кўп болали камбағал оилада бир аср муқаддам дунёга келган бола на онасига, на отасига қувонч келтирди — оилада яна бир нонхўр кўпайди. Деҳқон ўғлининг тақдири енгил бўлмади: — у беш ёшидан бошлаб бойнинг подасини боқиб, отаси билан бирга бой даласида омоч билан ер ҳайдади.

Россиядаги революция ҳақидаги хабар Бойтуқ қишлоғида янги бахтли ҳаётга умид нурлари билан таралди. Деҳқонлар тез орада ўз ерларига эга бўлдилар, аммо улар ҳосилни ўриб олиш бахтига эришолмадилар: душманлар ҳосилни ёндириб юбордилар. Ўсарбой яхши турмуш ахтариб деярли бутун Туркистон ўлкасини кезиб чиқди. Бухоро яқиндаги қишлоқда қўниб қолди — бу ерда деҳқонлар хўжаликни биргаликда юрита бошладилар, ўз ерларини босмачилар ҳужумидан ҳимоя қилдилар.

Кунлардан бирида қишлоққа ўз труппаси билан Ҳамза келди. Мард шоир шеърлар ўқиди, артистлар бойларни танқид қилувчи саҳналарни намойиш қилдилар. Улар ўзлари билан бир қанча китоблар келтиришган эди, аммо бундан на фойда — қишлоқда бирорта ҳам саводли одам топилмади. Шунинг учун ҳам ўшанда саводсизликни тугатиш мактаби очилди, қирқ ёшли Ўсарбой ўқувчилар орасида энг катташ эмас эди. У билан бирга оқсоқол боболар, ёнма-ён ўтириб алифбени ўргандилар. Ўсарбой бутун Зарафшон водийси бўйлаб сафар қилиб, колхоз тузиш тўғрисида ташвиқот олиб борди. Ўзи ҳам ўн йиллик пахта экиб, уни ўз қўли билан теріб олди. Бригадир Ўсарбой Нуралиев Улуғ Ватан уруши йилларида энг юқори ҳосил етиштирди — ўзининг унча катта бўлмаган майдонида 50 ва ундан ҳам кўп центнер «оқ олтин» етиштирди. У Тошкент яқинига кўчиб келиб, ўзи, набиралари учун боғдорчилик билан шуғулланишга қарор қилди. Аммо уйда узоқ кўп ўтирмади — одамларсиз, одат бўлиб қолган юмушсиз тура олмади. Кучи етадиган иш топди — трамвай-троллейбус бошқармасида мойловчи бўлиб ишга кирди.

Якшанба кунлари эса Ўсарбой отани Тошкентда донги кетган полвонлар, кураш мухлислари орасида учратиш мумкин. Полвон саксон уч ёшга тўлганида сўнгги маротаба курашиб, рақибининг қурагини ерга теккизганини эсда сақлайдилар...

Ўсарбой Нуралиев ўзининг узоқ умр кўрганлиги сирларини фақат баҳодирона саломатлигида ёки куч-қувватида деб билмайди. «Бутун умрим мобайнида мен кишиларга яхшилик қилишга, уларга фойда етказишга интилдим, дейди у. Одамлар ҳам менга яхшилик қайтардилар, шунинг учун ҳам узоқ умр кўраяпман».

С. ФЕНЮТИН, ЎзТАГ мухбири.

ТИББИЁТ ОЛАМИДА

ЎЗГА ЮРАК ВА ЎПКА БИЛАН

Станфорд университетида юрак ва ўпка алмаштириш бўйича илмий иш олиб борилмоқда. Инглиз врачи Брус Оейцнинг айтишича, ҳозирча шу тариқа тажрибадаги ўнта маймундан бештаси бошқа юрак ва ўпка билан 300 кундан ортиқроқ яшаб келмоқда.

ХАСТАЛАРГА — МУЗИКА

Америкалик олим Фрэнк Флуднинг айтишича, юраги хаста кишилар учун музика яхши кайфият туғдиради. Ёқимли куй улардаги тушкунлик руҳини йўқотади ҳамда касаллик туфайли пайдо бўлган ваҳима ва хавотирни йўқотишда ёрдам беради.

ЎЗИЛГАН ҚЎЛ УЛАНДИ

Ленинграддаги И. Павлов номли 1-медицина институтининг хирургия факультети клиникасида узилган қўлни улаш операцияси муваффақиятли ўтказилди. 4-уйсозлик комбинати, бетон қориш аппарати мотористасининг эҳтиётсизлиги натижасида ўнг қўли узилиб кетди.

Операция ўн соат давом этди. Тажрибали хирурглар К. Токаревич, В. Шломин билан илмий ходим В. Васильевлар микроскоп ёрдамида уланиши лозим бўлган жойларни аниқлаб олдилар. Кейин қон томирларини, елкадан узилган мускул иплари ва нерв толаларини топиб ишга киришдилар. Доктор В. Дулаев узилган қон томирларини тикаётганда «Тез ёрдам» институти ходими Г. Фролов синган суякларни бир-бирига ёпиштириб турди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ · ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ · ЎзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА:

йигирувчилар, калаваловчилар, тўқувчилар, силлиқловчилар, таровчилар, ленталовчилар, йигирув ва тўқувчилик дастгоҳлари мастери ёрдамчилари, ремонтчи-слесарлар, токарлар, электриклар, раклистлар.

КАСБ-ҲУНАРИ БЎЛМАГАНЛАР 6 ОЙ ДАВОМИДА БЕВОСИТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЎҚИТИЛАДИ.

Ўқиш даврида ойига 70—90 сўм миқдорида стипендия берилади.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитларни ишга расмийлаштиришда 100 сўм миқдорида бир йўла бадалсиз ёрдам берилади, ишнинг дастлабки 6 ойи мобайнида кунига бир марта бепул овқат (тушлик) билан таъмин этилади, ётоқхонада турувчи кишилардан дастлабки 6 ой мобайнида тўлов ҳақи олинмайди.

Тўқимачилик комбинатининг йигирув ва тўқувчилик ишлаб чиқариши икки сменали иш графигига ўтди. Дам олиш кунлари шанба ва якшанба.

ИШ СОАТЛАРИ: эрталабки смена — соат 7 дан 15.30 гача, кечки смена — соат 15.30 дан — 23.00 гача.

Смена тугаши билан комбинат олдида 33, 34, 45, 70, 79-маршрутидаги автобуслар, бундан ташқари ишга ва ишдан сўнг олиб бориб қўйдиган 30-маршрут бўйича хизмат транспорти мунтазам қатнаб туради.

ИШ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТЛАР ВА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2 квартал, 3-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
А. Икромов район пункти — 22-квартал, 13-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Сергели район пункти — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

КОМСОМОЛ ҚИЗ ХОТИРАСИ

Зафар посёлкасида хотин-қизлар ўртасида енгил атлетика бўйича район биринчилиги учун бўлиб ўтган югуриш мусобақалари жасур комсомол қиз Майна Ҳасановага порлоқ хотирасига бағишланди. Юксак маҳорат ва эпчиллик кўригида саккиз команданинг 118 нафар вакили ўзаро куч синашди. Қизғин мусобақаларда 46-ўрта мактаб терма командаси аъзолари муваффақиятли қатнашиб, ғолиб бўлдилар. 4-қишлоқ ҳунартехника билим юрти ва Бекобод педагогика билим юрти талабалари эса иккинчи-учинчи ўринларни бўлишиб олишди.

Турли хил масофаларга югуришда 6-ўрта мактаб ўқувчиси Л. Панченко, 20-ўрта мактаб ўқувчилари М. Цой ва А. Фахриддиновалар ғалаба қозонишди. Бекобод районининг енгил атлетикачилари область биринчилиги мусобақаларида қатнашиш учун тайёргарликни бошлаб юборишдилар.

А. КУЧЕРЕНКО.

ЧИНИҚИШ МАСКАНИГА АЙЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда ҳар бир йигит-қизнинг ГТО нишондори бўлиши, физкультура ва спорт туризми билан мунтазам равишда шуғулланишига эришиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир уй, ҳар бир микрорайон ва ҳар бир ҳовлида чиниқиш майдончалари барпо қилиняпти. Яроқсизлари қайта жиҳозланиб, мухлислар ихтиёрига топширилаяпти. Ҳозирги кунда турар-жой бинолари қошида очилган 756 та спорт секцияларида 55 минг болалар ва ўсмирлар ўзлари ёқтирган машғулот турлари билан шуғулланмоқдалар.

Бу жиҳатдан Октябрь райони 64-турар-жой биноси қошидаги «Шодлик» болалар ва ўсмирлар спорт клубининг фаолияти диққатга сазовордир. Ёшларнинг севимли масканига айланиб қолган бу даргоҳда меҳнаткашларнинг 250 дан знёд фарзандларига музикашунослик, тиқувчилик, наққошлик, ганчкорлик касбларини ўргатиш билан бирга физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Футбол, волейбол, стол тенниси, шахматшашка тўгаракларида қатъий график асосида машғулотлар олиб борилаяпти.

Клубда тарбиявий-ғоявий ишларни намунали йўлга қўйиш юзасидан Равшан Усмонхўжаев, Абдусамад Шукуров, Юрий Емелин, Игорь Мартель сингари педагоглар амалга ошираётган ишлар кишини қувонтиради. Уларнинг самарали меҳнатлари эвазига коллектив спортчилари Тошкент шаҳри биринчилиги учун ўтказилган спартакиадада спортнинг 5 тури бўйича энг яхши натижаларга эришдилар.

А. ПЎЛАТОВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ФУТБОЛ

● ЎТГАН шанба куни СССР кубоги учун биринчи босқич ўйинлари бўлиб ўтди. Бунда асосан биринчи лига ва иккинчи эшелон ғолиблари баҳслашдилар. Жумладан, Жиззахнинг «Звезда» командаси ўз майдонида Москванинг «Локомотив» клубини қабул қилиб, 0:1 ҳисобида енгилди. «Гурия» (Ланчхути), «Ротор» (Волгоград), «Динамо» (Киров), «Қайрат» (Олмаота), «Искра» (Смоленск), «Колос» (Никополь), «Таврия» (Семферополь), «Кубань» (Краснодар) командалари биринчи тўсиқдан ўтишиб, курашни давом эттириш ҳуқуқига эришдилар.

Эртадан кейин «Пахтакор» ўз майдонида Хабаровскнинг Армия спорт клубини қабул қилади.

ШАХМАТ

● ПОЙТАХТИМИЗДАГИ шахмат-шашка клубида шахмат бўйича аёллар ўртасида республика чемпионати давом этяпти. Кеча тўртинчи тур ўйинлари ўтказилди. Уч турдан сўнг тошкентлик мастерликка номзод Светлана Пинчук 2,5 очко билан олдинда бормоқда.

Ўзбекистон ССР геология министрлигининг буюртмасига асосан киноҳужжатчилар Олмалиқ геологоразведка экспедициясининг 5-бригадаси ҳақида ҳужжатли кадрларни ярата бошладилар. Ленталарда ўн биринчи бесйиллиннинг икки йиллик топшириғини муддатидан ярим йил аввал шараф билан адо этган, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этаётган коллективнинг илғор тажрибалари кенг акс этади. Мазкур бригада москваликлар-нинг «Шон-шуҳрат меҳнатга яраша!» ташаббусига биринчилар қаторида қўшилган. Улар 1983 йилда яна ҳам самаралироқ ишламоқдалар.

ФИЛЬМДА КОНЧИЛАР

Кадрларда экспедициядаги энг маҳоратли бургучи мастер Н. Ибришев, Меҳнат Қизил байроқ ва Октябрь революцияси орденлари кавалери А. Оленниковларнинг касб маҳоратларига алоҳида ўрин берилади.

Б. СОЛИҲОВ.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Т. ДУРОВА: 150 ЙИЛДИРКИ, САҲНАДАМИЗ

— Тереза Васильевна, мана бир неча кундирки, Тошкент цирки манежида ҳамшаҳарларимиз ва пойтахт меҳмонларини ажойиб санъатингиз билан таништирмоқдасиз. Даставвал ўзининг 2000 йиллигини нишонлаётган шаҳримиз ҳақидаги таассуротларингизни эшитиш истаги туғилди.

— Бу сафар серқуёш ўлкангиз Тошкент ва унинг меҳмоннавоз, хуштавозе одамлари билан бешинчи марта учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Ҳар гал келганимда гўзаллашаётган, гуллаб-яшнаётган янги Тошкентни кўраман. Шаҳарнинг замонавий архитектура ансамбллари билан уйғунлашиб кетган тарихий обидалари ўзбек халқининг қадим-қадимданоқ чин санъат ихлосманди бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Тошкент деганда кўз ўнгимда энг аввало унинг меҳнаткаш ва санъатсевар халқи намоён бўлади. Дарвоқе, санъаткорнинг меҳнатини юзага чиқарадиган, уни улуғ ишларга йўллайдиган ҳам санъатга чин ихлос қўйган мухлислардир. Биз ўз қувончимизни улар билан баҳам кўрамиз. Назаримда томошаларимиз тошкентликларга маъқул бўлмоқда. Янграб турган олқишлар маҳоратимизга берилаётган баҳо деб ўйлайман.

— **Цирк мухлислари Дуровлар сулоласини яхши билишади.**

— Ҳа, рус цирк санъатининг ривожланиш босқичлари машҳур масҳарабоз ва ҳайвон ўргатувчи Анатолий Дуров номи билан боғлиқдир. Мана 150 йилдирки, Дуровлар сулоласи ўз санъати билан томошабинлар эътиборини қозониб келаётир.

Мен ҳам мана шу оилада ўсганлигим билан фахрланаман. Шунинг учун бўлса керак, жуда ёшликдан ҳайвонларга меҳр қўйдим. Мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмай ҳайвон ўргатувчилик касбини танладим.

Илк томошаларим 1946 йил Пенза шаҳрида намойиш этилди. Ўшанда ўргатилган ҳайвонлар орасида энг йириги эшак эди. Ҳозир эса фил ва туядан то кичик сичқонгача бўлган ёввойи ва хонаки жониворлар бир-бирлари билан иноқликда ажойиб томошаларни ижро этмоқдалар.

Сафимизнинг кенгайиб бораётганлиги қувончлидир. Қизим Тереза Дурова ҳам ҳайвон ўргатувчи. Набирам улғаймоқда. Ажаб эмас у ҳам авлодимиз анъанасини давом эттирса.

— **Касбингиз аёл киши учун оғирлик қилмайдими? Инжиқ ҳайвонларни бўйсундириш осон бўлмаса керак.**

— Албатта. Ҳайвонлар гарчи гапиришни билмасалар ҳам кишиларнинг ўзларига нисбатан муносабатини яхши англайдилар. Улар ҳам парваришни, меҳрибончликни, ширин сўзни ёқтиришади.

Программадаги ҳар бир номерни яратиш учун кишида жуда катта сабр-тоқат ва мустаҳкам ирода бўлиши керак. Агар киши ўз касбини севиб, астойдил меҳнат қилса, қийинчиликлар ҳам унга роҳат бағишлар экан.

— **Сўнгги савол: газетхонларимизни келгуси режаларингиз билан таништирсангиз.**

— Келажакда томошабинларни янги цирк программалари билан хушнуд этиш орзусида яшамоқдаман. Бу ердаги ижодий сафардан қайтгач, янги программа устида ишлаш ниятимиз бор. У «Филлар устидаги акробатлар» деб номланади.

З. ТОШМУҲАМЕДОВА, М. ТЎЛАГАНОВА.



● СУРАТЛАРДА: РСФСР халқ артисти Тереза Дурова (юқорида); Тошкент цирки манежида.

(ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

22 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Полигон. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.50 — Усмирлар ижоди. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Концерт. 16.25 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 16.55 — Бутунжаҳон студентлар қишки ўйинларида. 17.25 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.55 — Илмий-оммабоп фильм. 18.25 — Горнчилар, қаердасиз! 19.10 — Дунё воқеалари. 19.25 — Фан ва турмуш. 19.55 — Икки ўрток хизматда. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Киножурнал. 22.15 — Останкино концерт студиясида. 24.00 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.45 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.10 ва 13.40 — Француз тили. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 12.05 — Шахмат мактаби. 14.15 — Илмий-оммабоп фильм. 14.25 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.05 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 15.35 — Улуғ Ватан уруши поэзияси. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Сузиш бўйича СССР чемпионати. 19.15 — Фильм-концерт. 19.45 — Ҳамдўстлик. 20.15 — Илмий-оммабоп фильм. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Қиличбозлик бўйича халқаро турнир. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей. Крилья Советов — Динамо (М).

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Физика. 12.00 — Кинопрограмма. 13.00 — Оталар изидан борар солдатлар. Бадиий фильм. 17.55 — Сўз кетидан сўз келар. 18.15 — Ёзувчилар — болаларга. Жюль Верн. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Ватанимизнинг содиқ посбони. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Б. Бойқобулов. Садоқат. 20.10 — Адабий театр. Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Солдат мактублари. Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Мустаҳкам озуқа базаси учун. 22.30 — 41-йил олмалари. Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Инглиз тили. 18.45 — Телефильм. 19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ёшлик. 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — Москва-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/II да Рўйхатларда йўқ, 23/II да КУЗНИНГ БИРИНЧИ КУНИ.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Аралаш ҳайвонлар группаси» аттракционининг гастроллари (19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. — 01813. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1548.